

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСINI  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019Тib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА ЗИЁДА ШАХАБИДДИНОВНА**

**ГЕМОСТАЗ БУЗИЛИШЛАРИ БИЛАН МУДДАТДАН ОЛДИН  
ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА МНТ ПЕРИНАТАЛ  
ШИКАСТЛАНИШЛАРНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Ахмедова Зиёда Шахабиддиновна**

Гемостаз бузилишлари билан муддатдан олдин туғилган  
чақалоқларда МНТ перинатал шикастланишларнинг  
клиник-неврологик хусусиятлари .....

3

**Ахмедова Зиёда Шахабиддиновна**

Клинико-неврологические особенности перинатальных  
поражений ЦНС у недоношенных детей  
с нарушением гемостаза .....

23

**Akhmedova Ziyoda Shakhabiddinovna**

Clinical and neurological features of perinatal CNS  
injuries in preterm infants with impaired hemostasis .....

42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

46

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСINI  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019Тib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА ЗИЁДА ШАХАБИДДИНОВНА**

**ГЕМОСТАЗ БУЗИЛИШЛАРИ БИЛАН МУДДАТДАН ОЛДИН  
ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА МНТ ПЕРИНАТАЛ  
ШИКАСТЛАНИШЛАРНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib916 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маджидова Якутхон Набиевна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шамансуров Шоанвар Шамуратович,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Джурабекова Азиза Тахировна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44; e-mail:info@timpe.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А.Акилов,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Убайдуллаева,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.Г.Гафуров,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда муддатдан аввал туғилган чақалоқларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш пери- ва неонатологияда асосий вазифа сифатида катта аҳамият касб этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «...муддатдан аввал туғилган чақалоқлар барча янги туғилган чақалоқлар орасида 5,8–6% ни ташкил этади. Ҳар йили 1 миллионга яқин болалар эрта туғилиш асоратлари туфайли вафот этади, бу 5 ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлимнинг асосий сабабларидан биридир...»<sup>1</sup>. Янги туғилган чақалоқларда эрта неонатал ўлим, перинатал касалликлар, неврологик асоратлар, марказий асаб тизимида структуравий нуқсонлар шаклланиши, гемодинамик патологияларнинг олдини олиш, муддатдан аввал туғилган болаларнинг ижтимоий мослашувини шакллантириш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда муддатдан аввал туғилган чақалоқларда гемостаз бузилишлари, марказий нерв тизими перинатал шикастланишларининг клиник-неврологик хусусиятлари, асоратлари ва эрта неонатал ўлимнинг олдини олишга йўналтириган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, муддатдан аввал туғилган чақалоқларда доплерография ёрдамида бош миёда қон айланиши бузилишини аниқлаш, гемостаз бузилишлари билан муддатдан олдин туғилган чақалоқларда неврологик асоратларнинг олдини олиш, эрта неонатал даврда қоннинг реологик хусусиятларини баҳолаш, перинатал давр хавф омилларини аниқлаш, даво мезонларини оптималлаштириш, муддатдан аввал туғилган болаларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Гемостаз бузилишлари билан муддатдан олдин туғилган чақалоқлар марказий асаб тизимида структуравий нуқсонлар шаклланишининг прогностик мезонларини аниқлаш, гемостаз тизими ҳолати, церебрал бузилишлар механизмларини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматини такомиллаштириш, жумладан, ҳомиладорлик даврида она организмида юзага келадиган турли ўткир ва сурункали касалликларнинг олдини олиш, болалар ўлими ва ногиронлигини камайтириш, чақалоқлар саломатлигини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Шу муносабат билан гемостаз бузилишлари билан муддатдан аввал туғилган чақалоқлар марказий асаб тизимида структуравий нуқсонлар шаклланишининг олдини олиш, гемостаз тизими ҳолати ва церебрал бузилишлар механизмларини баҳолаш

<sup>1</sup> World Health Organisation. 2018. Preterm birth. <http://www.who.int/en/news-room/fact-sheets/detail/preterm-birth>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

ҳамда чақалоқлар ўлим кўрсаткичини камайтириш бўйича профилактика чораларини такомиллаштириш долзарб илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 30 августдаги ПҚ–3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бутун дунёда муддатдан аввал туғилган чақалоқларда марказий нерв тизими перинатал шикастланишлари, неврологик асоратлар ва гемостазнинг хусусиятлари баҳоланган. Муддатдан аввал туғилган чақалоқлар неонатал даврида қон кетиш туфайли содир бўладиган ўлим тахминан 84,9% га тўғри келиши аниқланган (Suzan O.M., 2021). «АФА-мусбат» оналардан туғилган чақалоқларда тромбоз ва қон кетиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, неонатал тромбоз ривожланишида антикардиолипин антижисмларнинг роли исботланган (Davenport P., Sola-Visner M., 2021). Янги туғилган чақалоқларда антифосфолипид синдроми ривожланишига қадар (Avcin T. et al., 2002; Saxena R. et al., 2003) аутоантижисмлар пайдо бўлиши баҳоланган (Zurgil N. et al., 2013; Arousseau M.H. et al., 2015; Soares A.M. et al., 2016). Гемостатик бузилишларни тўғри баҳолаш учун муддатига етиб ва вақтидан олдин туғилган чақалоқлар учун белгиланадиган эрта неонатал давр динамикасидаги қоннинг реологик хусусиятлари асосланган (Кузьменко Г.Н., Черкасова С.В., Чупрова А.В., 2020). Янги туғилган даврда диссеминирланган томир ичи қон ивиши синдроми ривожланиш частотаси 10% дан 70% гача ўзгариб туриши ва яққол пасайиш тенденцияси бўлмаслиги исботланган (Красноружских Е.А. и др., 2006; Таболин В.А. и др., 2006; Tanjung M.T. et al., 2005). Ўзбекистонда ҳомиладор онанинг қон таркибидаги цитомегаловирус ва герпетик инфекцияларнинг янги туғилган чақалоқлар гемостаз тизимига таъсири аниқланган (Султонова З.О., 2011). Муддатдан аввал туғилган чақалоқларда гемостаз ўзгаришининг неврологик белгилари баҳоланган (Азимова Н.М., Маджидова Ё.Н.)

Ҳамроҳ неонатал патологияга боғлиқ патологик жараён динамикасида МНТ ПШнинг турлича кечишида коагуляция бузилишларнинг аниқ механизм-

лари, башорат қилиш мезонлари борасида қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, гемостаз бузилишлари билан муддатдан олдин туғилган чақалоқларда марказий асаб тизимида структуравий нуқсонлар шаклланишининг прогностик мезонларини аниқлаш, гемостаз тизими ҳолати, церебрал бузилишлар механизмларини баҳолаш, МНТ ПШ билан оғриган болаларда гемостатик бузилишларнинг прогностик мезонларини аниқлаш ва эрта ташхис қўйиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асаб касалликларида қон-томир, яллиғланиш, дегенератив ва наслий нерв мушак касалликларининг патогенетик хусусиятлари» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (2018–2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** марказий асаб тизимида структуравий нуқсонлар шаклланишининг прогностик мезонларини аниқлаш билан гемостаз тизими ҳолати ва церебрал бузилишлар механизмларининг олдини олиш ва баҳолаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

муддатдан аввал туғилган чақалоқларнинг ҳомила ёшини ҳисобга олган ҳолда гемостаз кўрсаткичларини баҳолаш;

МНТ ПШнинг клиник кечиши ва босқичига қараб муддатдан аввал туғилган чақалоқлар гомеостаз ҳолатини таҳлил қилиш;

МНТ ПШ ривожланганда муддатдан аввал туғилган чақалоқларда бош мия томирларининг доплерография маълумотлари бўйича церебрал қон оқими хусусиятларини аниқлаш;

МНТ ПШнинг клиник кечиши ва босқичига қараб муддатдан аввал туғилган чақалоқларда церебрал бузилишлар ривожланишида гемостаз тизим кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ролини баҳолаш;

гемостаз кўрсаткичларининг патогенетик аҳамияти ва ахборот мазмунини ҳисобга олган ҳолда муддатдан аввал туғилган чақалоқларда МНТ ПШни ташхислаш ва башорат қилиш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018–2022 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида муддатдан аввал туғилган 107 нафар, назорат гуруҳига 27 нафар муддатида туғилган чақалоқлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни клиник-неврологик текширув натижалари, гемостазни баҳолаш учун периферик қон, электроэнцефалограмма текширув маълумотлари ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида клиник-неврологик текширувлар, лаборатория гемостаз кўрсаткичлари (тромбин, протромбин индекси), нейрофизиологик (НСГ) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гипокоагуляцияга мойил фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти параметрларини характерловчи гемостаз бузилишлари билан гестация даври муддати орасида боғлиқлик аниқланган;

муддатдан аввал туғилган чақалоқларда жигар морфо-функционал етишмовчилиги сабабли ривожланган гипокоагуляцияга мойил фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти параметрлари узайишининг марказий нерв тизими перинатал шикастланиш клиник кўринишларининг оғирлик даражасига таъсири аниқланган;

муддатдан аввал туғилган чақалоқлар ҳаётининг биринчи кунидан олд мия ва орқа мия артериялари бассейнида қон оқими секинлашиши ҳамда Гален венаси бўйлаб қон айланиши бузилишининг ҳисобига неврологик асоратлар ривожланиши аниқланган;

муддатдан аввал туғилган чақалоқларда марказий нерв тизимининг перинатал шикастланишларини эрта аниқлашга ёндашув гемостаз бузилишларига боғлиқ ҳолда такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олд мия артерияси, орқа мия артерияси ва Гален венасида қон оқими тезлиги бўйича перивентрикуляр соҳадаги гемодинамик кўрсаткичлар аниқланган;

илк неонатал даврда қон тромбоцитларининг аниқланган камаювчи агрегацион фаоллиги марказий нерв тизимининг перинатал шикастланишлари ривожланишининг кўшимча патогенетик мезонлари сифатида ишлатилиши аниқланган;

марказий нерв тизимининг перинатал шикастланишлари ривожланиши нисбий хавфининг кўплаб омилларини прогностик баҳолаш тузилмаси ва ташхис ҳамда профилактикада ёрдам берадиган патогенетик модель ишлаб чиқилган;

гестация даври 32 ҳафтадан кам бўлган барча болалар илк ҳаётининг 1- ва 3-кунларида НСГ ва ДГ ёрдамида мия қон оқимининг мониторинги такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, лаборатория ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, вақтидан олдин туғилган чақалоқларда МНТ ПШни эрта ташхислаш механизми такомиллаштирилганлиги, шунингдек, объектив ва субъектив текширувлар, уларнинг маҳаллий ва халқаро тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олинган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, неврологик патологиянинг шаклланишида перинатал хавф омилларининг роли зарурий эҳтиёж бўлиб, илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳамроҳ неонатал патологияга боғлиқ патологик жараён динамикасида МНТ ПШнинг турлича кечишига оид аниқ коагуляцион механизмлар белгиланган. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гемостаз бузилишлари билан вақтидан илгари туғилган чақалоқларда МНТ ПШ ривожланишини башорат қилиш мезони ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Марказий асаб тизимида структуравий нуқсонлар шаклланишининг прогностик мезонларини аниқлаш билан гемостаз тизими ҳолати ва церебрал бузилишлар механизмларининг олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

марказий нерв тизими перинатал шикастланиши ривожланишини эрта ташхислаш усуллари оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Нейросонография ва доплерография маълумотлари асосида МНТ ПШ ривожланишининг дастлабки белгиларини ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 февралдаги 8н-р/210-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома муддатдан аввал туғилган болаларда ташхисот, дифференциал ташхисот ва адекват даволаш сифатини ошириш имконини берган;

муддатдан аввал туғилган болаларда МНТ ПШ ривожланишининг дастлабки белгиларини ташхислаш бўйича тадқиқот натижалари Республика перинатал маркази ва Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси амалиётларида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 июлдаги 08-20533-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини амалга ошириш вақтидан илгари туғилган чақалоқларда марказий нерв тизими перинатал шикастланишини эрта ташхислаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Муддатдан олдин туғилган чақалоқларнинг илк постнатал мослашуви муаммосининг ҳозирги ҳолати: марказий асаб тизимининг роли (адабиёт шарҳи)» деб номланган биринчи бобида адабиётларнинг аналитик шарҳи келтирилган бўлиб, ушбу патология этиологияси, пато-

генези, клиник кўринишлари, ташхисоти, дифференциал ташхисоти тамойиллари ва уни даволаш тактикаси ҳақидаги ҳозирги тушунчалар таҳлил қилинган. Муддатдан олдин туғилган чақалоқларда гемостаз шаклланиши ва унинг МНТ ПШ ривожланишига таъсирига алоҳида эътибор берилган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «Гемостаз бузилишлари билан муддатдан олдин туғилган чақалоқларда МНТ перинатал шикастланишларнинг клиник-неврологик хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи методологик ёндашувлар ва усуллар келтирилган. Ушбу ишнинг асосини антенатал босқич ва ҳаётининг илк неонатал давридаги 134 нафар чақалоқни клиник-анамнестик кузатиш ва лаборатория-инструментал текшириш таҳлили ташкил қилди.

Болани тадқиқотга *киритиш мезонлари*: муддатдан олдин туғилиш (янги туғилган чақалоқнинг гестация ёши 37 тўлиқ ҳафтагача).

*Истисно қилиш мезонлари*: бачадон ичи пневмонияси, сепсис, менингит, диафрагма чурраси, ўпка ва юрак пороки, транзитор тахипноэ, меконий ва амниотик суюқлик аспирацияси, асаб тизимининг травматик шикастланишлари, полицитемия, ўпкадан ташқари метаболик бузилишлар.

*Янги туғилган чақалоқларни назорат гуруҳига киритиш мезонлари*: муддатдан олдин туғилиш ва касалликларнинг йўқлиги.

Барча тадқиқотлар болаларда ЖССТ халқаро ахлоқий талаблари (Женева, 1993)га мувофиқ ота-оналарнинг розилиги билан ўтказилди. Даволаш муддатдан олдин туғилган чақалоқни парваришланишнинг умумий қабул қилинган стандартига мувофиқ амалга оширилди.

Белгиланган вазифаларга мувофиқ, янги туғилган чақалоқларнинг саломатлик ҳолати ва гемостаз муддатдан олдин туғилиш даражаси, НТ ПШ оғирлиги ва геморрагик касалликларнинг табиатини ҳисобга олган ҳолда ўрганилди (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Тадқиқот дизайни

<i>Гестация ёшига қараб</i>				
Асосий гуруҳ				Назорат гуруҳи
1-кичик гуруҳ	2-кичик гуруҳ	3-кичик гуруҳ	4-кичик гуруҳ	
ГЁ 35–37 нотўлиқ ҳафталик янги туғилган чақалоқлар	ГЁ 32–34 ҳафталик янги туғилган чақалоқлар	ГЁ 29–31 ҳафталик янги туғилган чақалоқлар	ГЁ 24–28 ҳафталик янги туғилган чақалоқлар	ГЁ 38–40 ҳафталик янги туғилган чақалоқлар
n=33	n=25	n=20	n=29	n=27
<i>Геморрагик кўринишларнинг ифодалилиги ва локализациясига қараб</i>				
Геморрагик шакллари МНТ ПШли янги туғилган чақалоқлар	МНТ ПШнинг геморрагик-ишемик шикастланиши бўлган болалар		Диссеминирланган томир ичи қон ивиши (ДТИҚИ) клиникаси мавжуд болалар (ўпка, ошқозон-ичакдан қон кетиш ва ички органларда қон кетиш)	
n=21	n=60		n=26	

<i>Қоринча ичи қон кетиши (ҚИҚК) оғирлигига қараб</i>			
ҚИҚКсиз янги туғилган чақалоқлар	ҚИҚК билан янги туғилган чақалоқлар (n=51)		
	ҚИҚК I	ҚИҚК II	ҚИҚК III
n=56	n=21	n=17	n=13
<i>Оғир геморрагик қон кетиш мавжудлиги ёки йўқлигига қараб</i>			

Ҳомиладор аёллар саломатлиги ҳолати, ҳомиладорлик давридаги асоратлар таҳлил қилинди.

Болаларнинг неврологик текшируви улар ҳаётининг 3- ва 5-кунларида ўтказилди. НТ ПШни баҳолаш учун «Янги туғилган чақалоқларда перинатал асаб тизимининг шикастланишлари таснифи» (2000)дан фойдаланилди.

Янги туғилган чақалоқларнинг ҳолатини баҳолаш учун қуйидагича текширувлар ўтказилди: умумий қон таҳлилида лейкоцитлар формуласини аниқлаш; қоннинг биокимёвий текшируви (билирубин ва унинг фракциялари, трансаминазалар, умумий оксил, қондаги қанд миқдори, мочевино), шунингдек, инструментал усуллар – нейросонография, ички органларнинг ультратовуш текшируви (УТТ), эхокардиография, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғининг оддий рентгенографияси.

Текширувдан ўтказилган янги туғилган чақалоқларда гемостазнинг тромбоцитар, коагуляцион ва фибринолитик бўғинлари тизимининг хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун веноз қон ишлатилган.

Қуйидаги параметрлар баҳоланди:

1. Горяев камерасидаги тромбоцитлар сонини Н.И.Тарасова (1979) усулида фаза-контрастли микроскоп ёрдамида ҳисоблаш.

2. Saen et al. (1968) бўйича фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ).

3. Quick (1935) бўйича протромбин вақти (ПТВ).

4. Clauss (1957) бўйича хронометрик усулда фибриноген концентрациясини аниқлаш.

5. В.А. Елыкомов ва А.П. Момот (1987) бўйича орто-фенантролин тести (ОФТ) ёрдамида плазмадаги эрувчан фибрин-мономер комплекслар (ЭФМК) концентрациясини аниқлаш.

Усулларни амалга оширишда биз «Технология-Стандард» (Россия) ва «Human» (Германия) фирмаларининг реагент тўпламларидан фойдаландик.

Олинган маълумотларга Pentium-4 шахсий компьютерида статистик функциялар кутубхонасидан фойдаланган ҳолда EXCEL пакетида ишлаб чиқилган дастурлар ёрдамида статистик ишлов берилди. Ўртача қийматлардаги фарқлар  $p < 0,05$  аҳамиятлилик даражасида ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Муддатдан олдин туғилган чақалоқларда неврологик бузилишлар ривожланишини ташхис қилишнинг клиник ва лаборатория тадқиқи хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида 107 нафар муддатдан олдин туғилган ва 27 нафар вақт-соатида туғилган чақалоқларда антинатал даврнинг кечиши таҳлил қилинган. Болаларнинг аксарияти 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган оналардан туғилган – 24,2%. 18 ёшгача бўлган оналардан туғилган болалар сони 4,9% ни ташкил этди. Биринчи марта тукқан аёллар – 43,8%;

анамнезда учдан ортиқ туққанлар – 28% (мос равишда назорат гуруҳида – 19,5%). Кўп ҳомилалик ҳомиладорлик натижасида 9,5% чақалоқлар туғилган.

Асосий гуруҳдаги болаларнинг оналарида тез-тез тиббий аборт (38,8%) ва беихтиёр бола ташлаш (17,9%) ҳамда ОАГА – оғирлашган акушерлик-гинекологик анамнез (73,3%) қайд этилган. Экстрагенитал патологиялар орасида сийдик чиқариш тизими касалликлари (33,3%) ва вегето-томир дистонияси (19,8%) устунлик қилиб, улар назорат гуруҳига қараганда тез-тез, асосий гуруҳда бир хил частотада учраб турган. Нафас олиш ва ошқозон-ичак тракти касалликлари асосий гуруҳдаги оналарда (18,4%) назорат гуруҳига қараганда бир хилда тез-тез учраган. Ҳомиладор аёлларда эндокринопатия 23,5%, назорат гуруҳида – 10,3% ҳолатларда аниқланган ( $p < 0,05$ ); қалқонсимон без патологиясининг учраш частотаси – 8,55%, семириш – 10,2%, қандли диабет – 3,1% ни ташкил этган.

Умуман олганда, 77,3% асосий гуруҳ ва 41,4% назорат гуруҳи аёлларида экстрагенитал патология аниқланган, бунда сийдик чиқариш тизими, эндокринопатия ва вегето-томир дистония касалликлари яққол устунлик қилган.

Ушбу аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ жараёни кечиши таҳлил қилинганда назорат гуруҳи (39,1% ва 24,1%)га нисбатан ишончли фарқ билан камқонлик (51,8%)нинг учраши ва ҳомиладорликни тўхтатиш хавфи (46,0%) юқори эканлиги маълум бўлди. Шунини таъкидлаш керакки, 41,6% асосий гуруҳ чақалоқларида антенатал давр ҳомиладор аёлларда гестоз ривожланиши, 11,6% да – оғир гестоз фониди кечган. Асосий гуруҳдаги болалар оналарида ҳомиладорлик даврида преэклампсия 3 марта кўпроқ қайд этилган.

Асосий гуруҳнинг барча янги туғилган чақалоқларида ривожланишнинг антенатал даври ҳомила гипоксияси, болаларнинг ярмида бу давр ФПЕ – фетоплацентар етишмовчилик билан асоратланган. Асосий гуруҳнинг ҳар учинчи боласига она қорнида ҳомила ўсишининг ортда қолиши – ОКХЎОҚ ташхиси қўйилган.

Асосий гуруҳдаги 78,4% оналарда перинатал патология хавфининг юқори даражаси (ППХЮД), 73,3% оналарда эса ОАГА қайд этилган. Шунингдек, ҳомиладорлик даврида юқумли патологиянинг юқори частотаси, шу жумладан, кольпит, плацентит ва полигидрамнион (60,0%) кузатилган. Турли этиологияли кольпитлар назорат гуруҳига қараганда (60,0% ва 11,5%) анча тез-тез аниқланган. Муддатидан олдин туққан оналарда полигидрамнион 2,7 марта, плацентит 2 марта ва хориоамнионит 6 марта тез-тез аниқланган.

Янги туғилган чақалоқларда инфекция ривожланиши хавф омиллари (ҳомиладорлик даврида оналарда ўткир респиратор касалликлари (ЎРК), ЛОР аъзоларининг сурункали касалликлари, бронхит, пиелонефрит, цистит, кольпит, бактериал вагиноз, плацентит, хориоамнионит, полигидрамнион, ПЗР ва ИФА усулида аниқланган инфекциялар) асосий гуруҳдаги 80,7% болалар оналарида қайд этилган.

ЎРК ва гестацион пиелонефрит частота бўйича етакчи ўринни эгаллаган (19,7% ва 14,6%). Ҳомиладорлик даврида асосий гуруҳ болаларининг 16,2% оналарида ИФА ва ПЗР усуллари ёрдамида инфекциялар (*Gardnerella vaginalis*,

*Ureaplasma urealiticum*, *Mycoplasma hom.*, *Chlamidia trach.*, цитомегаловирус инфекцияси) аниқланган.

МНТ ПШ ривожланишининг энг аҳамиятли интранатал хавф омиллари оператив туғруқ (38,5%), ҳомила пардаларининг муддатидан олдин ёрилиши (36,0%), НЖЙБК – нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт кўчиши (16,9%), йўлдошнинг бачадон пастки қисмида жойлашиши (14,2%), оғир асфиксия (22,9%) бўлган.

МНТ ПШ ва ГЁ (Спирмен коэффициентини  $R = -0,56$ ) оғирлиги ва болаларнинг тана вазни ( $R = 0,45$ ) ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланди, бу тўлалигича етилмаган болаларда оғир неврологик бузилишлар ривожланишининг юқори частотаси ҳақидаги маълумотларни тасдиқлайди. Спирмен коэффициентини – МНТ ПШ оғирлиги ва Апгар шкаласи бўйича баҳолаш ўртасидаги боғлиқлик  $R = -0,55$  ни ташкил этди.

Асосий гуруҳ янги туғилган чақалоқларининг аксарияти ўртача оғирликда эди. Асосий гуруҳ болаларининг аҳволи оғирлигининг клиник белгилари нафас олиш ва юрак-қон томир тизимларининг бузилиши ва неврологик касалликлар аломатлари билан характерланади. Янги туғилган чақалоқларда тез-тез учрайдиган патологик шакллар сифатида постгипоксик кардиопатия (36,5%) ва ОҚХЎОҚ (39,2%) қайд этилган. 68,9% болаларда шиш синдроми, 15,6% болаларда умумий шиш синдроми аниқланган. Болалар аҳолинини оғирлиги РДС ( $R = 0,78$ ), ОИ ( $R = 0,62$ ), ЦИ ( $r = 0,56$ ) ва ҚИҚК ( $r = 0,54$ ), ГАФК ( $R = 0,41$ ) ва шиш пайдо бўлиши синдроми ( $R = 0,40$ ) оғирлиги билан боғлиқ. Янги туғилган чақалоқларда нафас олиш бузилиши бошқа турдаги неонатал патологиялар билан бирга келган. Асосий гуруҳдаги 52% болаларда ҚИҚК ривожланган: I даража – 24,0%, II даража – 14,4%, III даража – 12,7%, орқа бош суяк чуқурчасига қон оқиб тушиши билан оғир ҚИҚК – 13,3%, ЦИ III – 25%, ПВЛ – 3,6% болаларда қайд этилган.

Неврологик асоратларнинг клиникаси (баллик баҳо кўринишида) нафас олиш бузилиши – 80,2%, юрак-қон томир касалликлари – 58,8%, геморрагик синдромнинг оғирлиги – 33,3% билан кечди.

Асосий гуруҳдаги 35 нафар болада сунъий ўпка вентиляцияси (СЎВ)нинг ўртача давомийлиги 5–6 кунни ташкил этди.

Ўлимга олиб келадиган натижалар 17,8% (19) болаларда қайд этилган. Бу гуруҳ болаларининг 83,1% да пневмония, 76,3% да диссеминирланган томир ичи қон ивиши (ДТИҚИ) клиникаси, 74,0% да оғир калла суяги ичи қон қуйилишлари, 75,3% да айрисимон безнинг акцидентал инволюцияси, 12,2% да юқори ковак венагача тарқалган ўмров ости вена тромбозлари, 1 нафар болада киндик веналари тромбози, қолганларида ички органлар томирларида кўплаб тромблар, 42,1% да ўпка, 24,0% да ошқозон-ичакдан қон кетиш, 44% да ички органларда қон қуйилиши, 75,3% да шиш-геморрагик синдром қайд этилган.

Ўлимдан олдинги даврда болалар аҳолинини оғирлиги ва ўлимга олиб келувчи натижалар ДТИҚИ ва оғир калла суяги ичи қон қуйилишлари кўринишидаги геморрагик синдромнинг ифодалилиги билан аниқланди. Ўлган болаларнинг 36,0 фоизи сурфактант билан даволанган. Ўлим сабаби: 5,2%

болаларда – жигар гематомаси ёрилиши; 18,2% да – мияга қон қуйилиши; 5,2% да – пневмония; қолган болаларда – омилларнинг биргаликда келиши.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида турли ҳомиладорлик даврларида туғилган болаларда гемостаз хусусиятлари аниқланди. Тадқиқотлар натижалари 1-даражали муддатдан олдин туғилган чақалоқларга (1-гуруҳ) нисбатан тўлалигича етилмаган болаларда (4-гуруҳ) коагуляцион потенциалнинг сезиларли даражада пасайишини аниқлаш имконини берди. Аниқланган хусусиятлар ҳаётнинг 5–8-кунларида динамикада сақланиб қолиши 1-даражали муддатдан олдин туғилган чақалоқларга нисбатан тўлалигича етилмаган болаларда коагуляцион потенциалнинг ишончли пасайишидан дарак беради. Қон ивишининг асосий механизмлари ва босқичларини тавсифловчи барча учта тест қон ивиш тизими шаклланишидаги онтогенетик фарқларни акс эттиради, бунда кўрсаткичларнинг гипокоагуляцион йўналганлиги ҳомиладорлик даврининг 32-ҳафтасидан кейин ишончли камаяди. ГЁ 35–36 ҳафта бўлган болалар (1-гуруҳ)да олдинги ГЁ (2-гуруҳ)га нисбатан ФҚТВ давомийлиги, ТВ ва ПВ – 32–34-ҳафтадан камайиши аниқланди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Муддатдан аввал туғилган чақалоқларда гестацион ёшига қараб эрта неонатал давр динамикасидаги асосий коагуляцион тестлар кўрсаткичлари

ГЁ (ҳафталар)	ФҚТВ (с.)		Тромбин вақти (с)		Протромбин индекси (%)	
	1–3-кун	5–8-кун	1–3-кун	5–8-кун	1–3-кун	5–8-кун
28 гача 4-гуруҳ	80,0±6,92 65,9-94,1	79,0±10,14 57,4-100,6	60,0±8,02 43,4-76,5	50,4±8,20 32,8-67,9	52,4±4,12 43,9-60,8	53,1±6,81 38,6-67,6
29–31 3-гуруҳ	67,5±4,09 59,3-75,8	61,5±6,21 48,7-74,38	41,3±6,20 28,7-53,9	33,4±7,36 17,5-49,3	61,4±3,15 55,0-67,7	75,2±3,0** 68,9-81,4
32–34 2-гуруҳ	60,3±2,08 56,2-64,4	58,6±2,54 53,6-63,7 79	30,7±2,17 26,4-35,0	29,5±2,08 25,3-33,6	70,9±1,63 67,7-74,2	78,5±2,0** 74,6-82,4
35–36 1-гуруҳ	54,4±1,86 50,8-58,1	50,1±1,86 46,4-53,7	24,9±1,54 22,6-25,1	23,8±0,63 22,6-25,1	71,8±1,57 68,7-74,9	78,7±1,7* 75,4-82,0 95
Р – фарқлар ишончлиги кўрсаткичи	P4-P1=0,001 P4-P2=0,043 P3-P1=0,001 P2-P1=0,036	P4-P1=0,001 P4-P2=0,06 P3-P1=0,019 P2-P1=0,006	P4-P1=0,0001 P4-P2=0,0001 P3-P1=0,0004 P3-P2=0,045 P2-P1=0,02	P4-P1=0,001 P4- P2=0,0001 P2-P1=0,01	P4-P1=0,01 P4-P2=0,01 P3-P2=0,034 P3-P1=0,013	P4-P3=0,002 P4- P2=0,001 P4- P1=0,001

4- ва 3-гуруҳ болаларида ПИ кўрсаткичлари 2- ва 1-гуруҳларга нисбатан камайган ва биринчи кунларда 3-, 2- ва 1-гуруҳ болаларида ишончли даражадаги паст кўрсаткичларга эга бўлиб, улар 5–8-кунга келиб кўтарилган. Гестация ёшининг 4- ва 1-гуруҳ янги туғилган чақалоқларининг кўрсаткичларига таъсири ҳаётнинг 1–3-кунларида барча антикоагулянтлар ва ҳаётнинг 5–8-кунларида барча антикоагулянтлар учун кузатилди. Барча янги туғилган чақалоқларда катталарнинг меъерий кўрсаткичларидан ошиб кетадиган концентрацияларда эрувчан фибринмономер комплекслар (ЭФМК) мавжудлиги қайд этилди; камроқ етилган болаларда ЭФМК ҳомиладорликнинг 35–36-ҳафталигида туғилганларга қараганда ишончли даражада юқори бўлди. Фақат охириги гуруҳларда

олдинги гуруҳларга нисбатан кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилиб, бу, афтидан, мослашиш механизмларининг яхшиланганлиги билан боғлиқдир.

4-гуруҳ янги туғилган чақалоқлари 1-гуруҳ янги туғилган чақалоқлари билан солиштирилганда улар ҳаётининг 1–3-кунларида фибриноген (ФГ) ишончли даражада пасаяди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, ҳомиладорликнинг 29-ҳафтасида туғилган чақалоқлар ҳаётининг 5–8-кунларида ФГ даражасининг ошиши қон ивишининг кучайишига олиб келади. Эрта неонатал давр динамикасида ушбу гуруҳлардаги кўрсаткичлар солиштирилганда кўпроқ етилган болаларда фибринолизнинг камайиши ГЁ 24–28 ҳафталик бўлган янги туғилган чақалоқларга нисбатан ФГнинг ошиши билан бирга келади (3-жадвал).

МНТ ПШ билан оғриган муддатдан олдин туғилган чақалоқларда гемостаз ҳолати таҳлили ушбу ҳолатлар ривожланишини башорат қилиш ва ташхислашнинг лаборатория маркерларини аниқлаш учун МНТ ишемик шикастланишлари (А гуруҳ), геморрагик МНТ ПШ (Б гуруҳ) ва ДТИҚИ-синдром (В гуруҳ) билан биргаликда амалга оширилди.

### 3-жадвал

#### Эрта неонатал давр динамикасида ҳомиладорликнинг 24–28 ва 35–36 ҳафталигида туғилган чақалоқларда гемостаз кўрсаткичлари

ГЁ (ҳафталар)	ЭФМК (мг/дл)		Фибриноген (г/л)	
	1–3-кун	5–8-кун	1–3-кун	5–8-кун
28 гача 4-гуруҳ	7,88±0,66 6,49-9,25	6,07±0,72 4,52-7,62	1,9±0,21 1,46-2,34	1,72±0,25 1,19-2,26
29–31 3-гуруҳ	7,10±0,70 5,65-8,55	7,29±0,68 5,81-8,76	2,29±0,20 1,90-2,70	2,45±0,14 2,17-2,74
32–34 2-гуруҳ	7,70±0,45 6,79-8,60	7,22±0,51 6,18-8,25	2,52±0,12 2,28-2,77	2,32±0,11 2,10-2,53
35–36 1-гуруҳ	6,30±0,40 5,50-7,09	6,54±0,45 5,63-7,47	2,32±0,07 2,18-2,45	2,43±0,08 2,26-2,59
Р – фарқлар ишончилиги кўрсаткичи	P4-P1<0,05 P2-P1<0,05	P4-P3<0,05	P4-P1=0,01 P4-P2=0,01	P4-P1=0,003 P4-P3=0,01 P4-P2=0,02

Янги туғилган чақалоқларда ДТИҚИ-синдром намоён бўлишининг антенатал хавф омиллари ҳомила гипоксияси (97,0%), инфекция (97,1%), ППХЮД (89,7%), ФПЕ (63,2%), ОҚХЎОҚ (35,3%), презклампсия (7,5%), интранатал хавф омиллари эса НЖЙБК (26,5%), оғир асфиксия (57,4%) бўлган. Неонатал омиллар орасида аҳамияти бўйича ҚИҚК (27,6%), ОИ (12,4%), РДС (13,1%) ва пневмония (13,1%) оғирлиги биринчи ўринда туради. ДТИҚИ-синдром кўпинча оғир ЦИ (66,2%) фонида ривожланган.

А гуруҳдаги болалар гемостазидаги ўзгаришлар назорат гуруҳига нисбатан гематокрит ва гемоглобин даражасининг пасайиши, ФҚТВ ва ЭФМК даражасининг ошиши билан характерланади. Б гуруҳда гематокрит, гемоглобин ва ПВнинг пасайиши фонида ФҚТВ, ТВ, ЭФМК ва ФГнинг ортиши аниқланди, бу марказий асаб тизимининг гипоксик геморрагик шикастланишларида патологик жараён локаллигини истисно қилади. В гуруҳдаги болаларда барча асосий тест-

лар ўзгариб, Б гуруҳга нисбатан коагуляцион омиллар, ФГ ва ФҚТВ истеъмоли, фибринолизнинг кучайиши кузатилди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### МНТ ПШ ва ДТИҚИ-синдромига қараб муддатдан аввал туғилган чақалоқларда гемостаз кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи	МНТ перинатал шикастланишлари		ДТИҚИ-синдром
		А гуруҳ	Б гуруҳ	В гуруҳ
Гематокрит (%)	59,9±0,02	55,1±0,01*	53,4 ±0,01*	51,6±0,01*
Гемоглобин (г/л)	209,07±2,91	190,24±2,09*	184,37±1,72*	177,19±3,97*
ФҚТВ (с.)	48,17 ±2,52	54,87±1,70	64,20±2,31*	78,69±5,86*
ТВ (с.)	21,95±0,65	24,41±0,78	35,41±2,67*	57,26±7,44*
ПВ (%)	71,8±3,17	71,86±1,21	67,27±1,77*	55,65±3,46*
ЭФМК (мг/дл)	4,57±0,54	7,13±0,45*	7,65 ±0,42*	7,20±0,60*
ФГ (г/л)	2,14±0,13	2,47±0,09	2,50 ±0,12	1,67±0,16*

Изоҳ: \* – фарқлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ( $p < 0,05$  да);

# – фарқлар олдинги гуруҳга нисбатан ишончли ( $p < 0,05$ )

Ушбу патологияда гемостаз тизими ҳам жиддий ўзгаради. ҚИҚК оғирлиги ҳақида энг кўп ахборот берувчи мезонлар ТВ кўрсаткичлари бўлиб, фибриноген даражаси фақат ҚИҚК III да ишончли ўзгарган.

ҚИҚК III билан оғриган болаларда гемостазиологик ўзгаришлар декомпенсирланган гемостаз бузилишларига хосдир (5-жадвал).

#### 5-жадвал

### ҚИҚК оғирлигига қараб эрта неонатал давр динамикасида муддатдан олдин туғилган чақалоқларнинг гемостаз кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Ёш	ҚИҚКсиз	ҚИҚК I	ҚИҚК II	ҚИҚК III
ФҚТВ (с.)	1–3	53,4±1,46	57,8±2,52	70,3±5,69*	83,0±5,59*#
ТВ (с.)	1–3	23,9±0,63	29,3 ±2,70*	44,9±6,47*#	63,2±8,00*#
ПВ (%)	1–3	72,0±1,41	68,3±2,57	64,4±3,61*	54,3±3,55*#
ЭФМК (мг/дл)	1–3	6,73±0,3	7,17±0,65	7,69±0,71	7,34±0,61
	5–8	6,56±0,42	6,64±0,49	7,61±0,66	6,0 ±0,80
Фибриноген (г/л)	1–3	2,41±0,08	2,26±0,18	2,30±0,16	1,84±0,18*
	5–8	2,31±0,06	2,28±0,20	2,36±0,18	2,34±0,36

Изоҳ: \* – ҚИҚК билан оғриган болалар гуруҳига нисбатан фарқлар ишончли ( $p < 0,05$ );

# – фарқлар олдинги гуруҳга нисбатан ишончли ( $p < 0,05$ )

Шундай қилиб, турли оғирликдаги неврологик бузилишларга чалинган болаларга анча хос бўлган асосий гемостазиологик профиллар ишлаб чиқилган бўлиб, улар тестларнинг турли йўналишли ўзгаришлари билан характерланади: нормо- ва гиперкоагуляцион ўзгаришлар геморрагик шаклларсиз МНТ ПШда муддатдан олдин туғилган чақалоқларда тромбинемия белгилари ва камайган ёки кучайган фибринолиз билан, гипокоагуляцион ўзгаришлар эса асосий қон ивиш субстратлари, антикоагулянтлар, тромбинемиянинг юқори даражаси, ДТИҚИ-синдром ривожланганда фибринолизнинг кучайиши билан кечади.

Янги туғилган чақалоқларда гемостазнинг бузилиши ташқи фаоллашув йўли билан (зарарланган ўпкадан тромбопластиннинг кириб бориши), кучайиш-

нинг бошланиши босқичида (антикоагулянтлар дисбаланси фонида) ривожланиб, гемостаз бузилишларининг умумлашиши, коагуляция ва унинг ортидан адекват бўлмаган фибринолиз тарқалишига олиб келади.

